

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Космик  
тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги томонидан 2021 йил  
яқунларига кўра амалга оширилган ишлар ва 2022 йилда амалга  
ошириладиган долзарб вазифалар бўйича**

**МАЪЛУМОТ**

**I. 2021 йилда амалга оширилган ишлар**

Халқаро тажрибани ўрганиш ҳамда илғор хорижий космик ташкилот ва компаниялар кўмагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги (кейинги ўринларда – “Ўзбеккосмос” агентлиги) томонидан белгиланган вазифалар доирасида космик технологияларни жорий этиш ва кенг кўламда татбиқ этиш орқали мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий соҳалари самарадорлигини ошириш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан космик технологиялар ва космик мониторинг тизимидан фойдаланган ҳолда мудофаа ва хавфсизлик, фавқулодда вазиятлар, сейсмик хавфсизликни таъминлаш, ўрмон, ер муносабатлари, қишлоқ, транспорт ва йўл хўжалиги соҳаларида тажриба-синов лойиҳалари амалга ошириш ҳамда таҳлилий маълумотлар билан таъминлаш бўйича қуйидаги натижаларга эришилди:

**Фавқулодда вазиятлар соҳасида,** 2021 йилнинг август ойида Жиззах вилояти Зомин туманидаги ўрмон ёнғини туфайли зарар кўрган 38 гектар майдон ўрмон ҳудуди ҳамда ёнғин ўчоғи келиб чиқиш ҳудуди бўйича кунлик космик суратларларни ва бирламчи таҳлил маълумотларини ўзида мужассамлаштирган маълумотларни 1 иш кунида белгиланган тартибда тақдим этилди.

Ҳозирги кунда космик технологиялардан фойдаланган ҳолда табиий ва техноген омиллар таъсирида вужудга келиши мумкин бўлган ёки содир бўлган фавқулодда вазиятларни тезкор аниқлаш, талофат кўрган ва кўриши мумкин бўлган ҳудудлар тўғрисидаги маълумотлар билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигини таъминлаб бориш орқали мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш бўйича тадбирларни режалаштиришда инсон, вақт ва моддий ресурслар тежалашига замин яратмоқда.

**Ўрмон хўжалиги соҳасида,** Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Чорвоқ сув омбори атрофидаги ўрмон фонди ерларида 870 км.квга тенг ҳудудлар кесимида турли даврийликдаги космик суратлар юқлаб олинди ва 12 минг 991 та объект бўйича сунъий йўлдош аппаратларидан олинган космик суратларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш орқали 11 мингдан ортиқ турар жойлар, 907 та нотурар жойлар, 408 та ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ерлар, 227 та 2 йил давомида ўзлаштирилмаган ерлар, 413 та маълумоти тўлиқ бўлмаган объектлар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар базаси шакллантирилди ҳамда мазкур маълумотларни ўзида мужассамлаштирувчи Геоахборот платформаси ишлаб чиқилиб, унга юқорида таъкидланган маълумотлар юкланиши таъминланди.

Бундан ташқари мазкур ҳудудда жойлашган ўрмон фондига ҳамда заҳира фондига кирувчи ўрмонлар рақамлаштирилиб, 1960 йилдан 2020 йилга қадар экилган дарахтлар, уларнинг турлари ва майдонларини таснифланди ва Геоахборот платформасига интеграция қилинди.

**Транспорт ва йўл хўжалиги соҳасида**, Самарқанд шаҳри кесимида 1 минг 160 км.кв гектар майдонга тенг йўллар ҳамда уларнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида космик суратлар қабул қилиниб, космик мониторинг амалга оширилди ва бунинг натижасида 2 минг 455 км йўллар рақамлаштирилиб, унда умумий, ҳалқаро, давлат ҳамда маҳаллий аҳамиятга эга йўлларнинг узунлиги, эни, қатнов бўлаклари ҳамда қопламаси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилиб, уларнинг намунавий рақамли платформаси жорий этилди.

**Қишлоқ хўжалиги соҳасида**, Самарқанд вилоятининг Пасдаргом, Жомбой ва Оқдарё туманлари кесимида 182 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерларида космик мониторинг амалга оширилиб, 83 минг 185 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари рақамлаштирилди ва космик мониторинг натижалари бирламчи таҳлили натижасида қуйидагиларга эришилди:

– ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги ерлари майдонларининг аниқ ҳисоби ва чегаралари белгиланди ҳамда экин экилган ҳақиқий майдонлар аниқланди;

– экилиши зарур бўлган ҳамда ҳақиқатда экилган экинлар тўғрисида маълумотлар олиш имкони яратилди;

– Космик мониторинг натижасига кўра ушбу 3 та туманларда жами 26 минг гектар майдонда бўғдой экилганлиги аниқланди.

**Ер муносабатлари соҳасида**, 2021 йил ноябрь ва 2007 йилдаги январь ойларида олинган космик суратлар билан маълумотларни таққослаш натижасида Андижон вилоятининг Асака туманида **66 минг 445 та** кўчмас мулк объектлари, Шаҳрихон туманида **55 минг 478 та** кўчмас мулк объектлари таҳлил қилинди ва қуйидагилар аниқланди:

Асака тумани бўйича:

кўчмас мулк объекти кесимида (2021 йил ноябрдаги ҳамда 2007 йил январдаги космик суратларнинг солиштирмаси): 2021 йил ноябрь ҳолатига туманда 66 минг 445 та кўчмас мулк объектлари мавжуд, шундан 49 минг 415 таси 2007 йилгача, яъни 15 йил аввал мавжуд бўлган, 17 минг 30 таси 2007 йилдан сўнг қурилганлиги аниқланди.

кадастр контурлари кесимида 2021 йил ноябрь ҳолатига туманда кадастр органлари томонидан 61 минг 313 та кадастр контурлари қайд этилган, шундан 59 минг 698 тасининг ичида объектлар мавжудлиги, қолган 1 минг 615 таси бўш, яъни ичида объект мавжуд эмас эканлиги аниқланди;

59 минг 698 та кадастр контурлари ичида 2007 йилгача қурилган 46 минг 581 та ва 2007 йилдан сўнг қурилган 14 минг 732 (13 минг 117) та объектлар аниқланди;

ер участкасига ижара ҳуқуқи ҳамда бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кўриб чиқилиши лозим бўлган объектлар кесимида: 6 минг 747 та кадастр контурлари мавжуд бўлмаган объектларнинг 2 минг 834 таси 2007 йилгача, яъни 15 йил аввал ҳам мавжуд бўлган, қолган 3 минг 913 та объектлар 2007 йилдан сўнг барпо этилганлиги аниқланди.

Шахрихон тумани бўйича:

кўчмас мулк объекти кесимида (2021 йил ноябрдаги ҳамда 2007 йил январдаги космик расмларнинг солиштирмаси): 2021 йил ноябрь ҳолатига туманда 55 минг 478 та кўчмас мулк объектлари мавжуд, шундан 44 минг 215 таси 2007 йилгача, яъни 15 йил аввал мавжуд бўлган, 11 минг 263 таси 2007 йилдан сўнг қурилганлиги аниқланди.

кадастр контурлари кесимида: 2021 йил ноябрь ҳолатига туманда кадастр органлари томонидан 53 минг 104 та кадастр контурлари қайд этилган, шундан 51 минг 499 тасининг ичида объектлар мавжуд, қолган 1 минг 605 таси бўш, яъни ичида объект мавжуд эмас эканлиги аниқланди;

51 минг 499 та кадастр контурлари ичида 2007 йилгача қурилган 42 минг 133 та ва 2007 йилдан сўнг қурилган 10 минг 971 (9 минг 366) та объектлар аниқланди;

ер участкасига ижара ҳуқуқи ҳамда бино ва иншоотларга мулк ҳуқуқини эътироф этиш масаласи кўриб чиқилиши лозим бўлган объектлар кесимида: 3 минг 979 та кадастр контурлари мавжуд бўлмаган объектларнинг 2 минг 82 таси 2007 йилгача, яъни 15 йил аввал ҳам мавжуд бўлган, қолган 1 минг 897 та объектлар 2007 йилдан сўнг барпо этилганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, **Космик тармоқни ривожлантириш учун кадрларни тайёрлаш тизимини ташкил этишида**, “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг бир қатор олий ўқув муассасалари, жумладан Тошкент давлат транспорт университети, Тошкент шаҳридаги Ёджу техник институти, Тошкент шаҳридаги Турин Политехника Университети, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (Миллий тадқиқот университети), Тошкент шаҳридаги Инха университети билан ҳамкорлик битимлари имзоланди.

**Халқаро ҳамкорлик йўналишида**, “Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг космик ишлар бўйича бошқармасининг (UNOOSA) COPUOS қўмитасига қўшилиш масаласи ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг космик ишлар бўйича бошқармасига COPUOS қўмитасига “Ўзбеккосмос” агентлигининг қўшилиши юзасидан нота юборилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 декабрда Қозоғистон Республикасига бўлган расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида космик фазони тадқиқ этиш ва ундан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

*Идораларо ҳамкорликни йўлга қўйишда*, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари билан тегишлилиги бўйича соҳаларда космик технологиялардан фойдаланган ҳолда мазкур соҳалар самарадорлиги ошириш бўйича Битимлар имзоланди. Бундан ташқари, Кадастр агентлиги билан биргаликда “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятида космик технологиялар ва космик суратлардан фойдаланиш бўйича” чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўз ваколатлари доирасида юклатилган вазифалар ижроси самарадорлигини оширишда мазкур соҳаларда космик технологиялар ва космик мониторинг тизимини жорий этиш бўйича тегишли Битим ва Чора-тадбирлар режаси имзоланиши режалаштирилмоқда.

## **II. 2022 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар**

**Биринчи** – Иқтисодиёт соҳаларида шаффофликни оширишга йўналтирилган давлат космик мониторинг тизими жорий этилади.

**Иккинчи** – 2022-2030 - йилларда Ўзбекистон Республикаси космик тармоғини ривожлантириш **концепцияси** ишлаб чиқилади.

**Учинчи** – Иқтисодиёт тармоқларида космик технологиялар ва инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали соҳалар самарадорлигини оширишга қаратилган устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича **2022-2030 – йилларга мўлжалланган давлат дастури** ишлаб чиқилади.

**Тўртинчи** – Чорвоқ сув омбори атрофидаги ерларни мониторинг қилиш лойиҳаси доирасида ўрмонларнинг ноқонуний кесилиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг доимий мониторинг қилиш тизими кенг йўлга қўйилади.

**Бешинчи** – “Ўзбеккосмос” агентлиги ва унинг Франциялик ҳамкори Airbus компанияси билан биргаликда Франция ҳукуматининг 1 млн. еврога тенг “FASEP” грант дастури доирасида 15-18 ой давом этиши кутилаётган “Рақамли Самарқанд” лойиҳаси амалга оширилади ва бунда Самарқанд вилоятининг Жомбой, Оқдарё ва Пайариқ туманларининг тахминий 2000 км<sup>2</sup> бўлган қишлоқ хўжалиги экинлари, айнан, пахта ва буғдой экинларини сунъий йўлдош аппаратлари ёрдамида Ерни масофадан зондлаш орқали олинган ва ишлов берилган маълумотларини таҳлил қилган ҳолда синов-тадқиқот ишлари ўтказилади.

**Олтинчи** – Республика ҳудудидаги мавжуд ер қаъри участкалари ҳамда фойдали қазилма конларидан рухсатнома (лицензия) асосида фаолият олиб бораётган юридик шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш (рухсат этилган ҳудуддан четга чиқиш ҳолатлари) ва ушбу ҳудудларда ноқонуний фойдали қазилма конлари ҳамда бино-иншоотларни аниқлаш мақсадида космик мониторинг тизими йўлга қўйилади.

**Еттинчи** – Хавфли экзоген геологик жараёнлар фаол бўлган ҳудудларда табиий ва техноген омиллар таъсирида майдонларнинг деформацияси, силжиши, чўкиши каби омилларни аниқлашга мўлжалланган радиолокацион космик мониторинг тизимини жорий этилади.

**Сакқизинчи** – Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тан олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси аҳоли яшаш ҳудудларидаги бино ва иншоотларнинг қурилган йилини аниқлаш бўйича космик мониторинг ишлари амалга оширилади.

**Тўққизинчи** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 2 февралдаги ПҚ-138-сон қарори билан 2022 йил якунига қадар синов тариқасида Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек ва Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай ва Тошкент туманларида ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкаларини ҳамда ноқонуний иморатларни космик суратларни қайта ишлаш орқали аниқлаш тизими йўлга қўйилади.

**Ўнинчи** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ID- 54224) қарори лойиҳаси билан 2022 йил 1 мартдан бошлаб давлат қурилиш назоратида қуйидагилар жорий этилиши режалаштирилган:

“Ўзбеккосмос” агентлиги томонидан сунъий йўлдош ва бошқа учувчисиз учиш аппаратлари орқали Ерни масофадан зондлаш ва йўлдошли алоқа космик аппаратларини қўллаш орқали қурилишда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши мониторинг қилиб борилади, бунда:

мониторинг давомида аниқланган ҳолатлар юзасидан тегишли маълумотлар “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясига (кейинги ўринларда – Инспекция) ҳамда Бош прокуратурага юборилади;

Инспекция тақдим этилган маълумотлар асосида қонунчиликда белгиланган тартибда назорат тадбирлари ўтказди ҳамда ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича чора кўриб боради;

Бош прокуратура мониторинг давомида аниқланган ҳолатлар бўйича Инспекция томонидан ўз вақтида чора кўрилишини ва кўрилаётган чораларнинг қонунийлигини назорат қилиб боради.